



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Иқтисодиёт ва менежмент факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш
шароитида корхонада ресурс тежамкорлигини амалга ошириш
йўналишлари

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: М.Норжигитова

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш.....	3
1. Ресурс тушунчаси ва унинг тежамкорлигини таъминлашнинг масалалари.....	5
2. Ресурслар миллий иқтисодиётдаги ўрни.....	8
3. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти.....	12
4. Иккиламчи ресурсларни классификацияси, улардан фойдаланиш ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	15
5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва асосий йўналишлари.....	20
Хулоса ва таклифлар.....	24
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	25

КИРИШ

Саноат ишлаб чиқаришида ресурслар асосий ўринни эгаллайди. Улардан истеъмолчи учун моддий неъматлар яратилади. Ишлаб чиқаришни узлуксиз ва сифатли таъминлашда ресурслар манбаи зарур бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тармоқнинг фаолияти мавжуд ресурслардан келиб чиқади ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш шароитида ресурсларнинг миқдори ҳамда уларнинг жойлашуви мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга эга.

Маълумки бугунги бозор шароитида истеъмолчиларнинг талаби ортиб бормоқда, уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Аммо, ресурслар қанчалик кўп бўлишидан қатъий назар улар чегараланган ва уларнинг кўп қисми тикланмайдиган ресурсларни ташкил этади.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги бозор талаби ва иқтисодчи олимларнинг кўп йиллик таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилиши шарт бўлган энг муҳим мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Чунки, ҳар бир моддий неъмат яратувчи корхона учун маълум турдаги ресурсларни талаб этади. Ҳозирги кунда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани бошқа асрларда истеъмол қилинган ресурслардан кўра кўп қисми ташкил этган.

Индустриал тармоқнинг ривожланиши ўз навбатида ресурсларнинг сарфини ҳам кўпайтиради. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирги замон иқтисодиётида турган муаммолардан бири бўлиб ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобланиб келмоқда. Айрим мамлакатларнинг ресурсларга доир сиёсатида кўриш мумкинки, ишлаб чиқарилаётган товарларни иккиламчи, яъни хужалик чиқиндиларини қайта ишлаб чиқарилиши эвазига ўз фаолиятларини ташкил этганлар. Бу албатта иқтисодиётда ресурслардан оқилона фойдаланиш учун қулайдир. Аммо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида фан-техника тараққиётини қўллаш ҳам ресурслар тежамкорлигини таъминлайди.

Саноат табиатда учрайдиган моддий бойликларни казиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади.

Саноат барча миллий иқтисодиёт тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Саноат тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларда табиий бойликлардан, хом ашё ва меҳнат ресурсларидан кенгрок ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратади.

1. Ресурс тушунчаси ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни

Шуни таъкидлаш лозимки, “иқтисодиёт” атамаси “иқтисод” атамасига қараганда кенгроқ маънога эга. Иккинчиси биринчисининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни “увол” қилмаслик (улардан тежамли фойдаланиш) ўта долзарб бўлиб бормоқда.

Барча ресурслар – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир.

Инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи табиатнинг ресурслари ва бойликларидир. Улар ... “Ер остида, устида, дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари, ҳайвонат дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиниб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётгани натижасида камайиб бормоқда, ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

... бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир”¹.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ишлаб чиқариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қилинган башоратларга кўра инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлади. Бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, қўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Қолайверса, бугунги кунда ишлаб чиқаришда қўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш

¹ Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 89 бет.

муаммосига дуч келинмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефт, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас².

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, аста-секин бевосита пировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади”³.

“... пахта хомашёсининг ўзини тўқимачилик ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида янада чуқур қайта ишлашни таъминлаб. Четга бўялган ип-калава, трикотаж полотно ва матолар сотадиган бўлсак, кейинчалик тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва дизайнни ўзлаштириб олсак, катта самарадорликка эришишимиз мумкин.

Ана шу биргина мисол бизда ҳали-бери ишга солинмаган қанча-қанча имкониятлар борлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас, ...”⁴.

Иқтисодиёт тушунчаси инсонларнинг моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқаришидаги, уларни айирбошлаш (сотиш)даги хўжалик фаолиятини ҳам англатади. Моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш, уларни айирбошлаш (сотиш) тизими қанчалик мукаммал бўлса мамлакатнинг

2 Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998. 61-б.

3 Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 14-15 бетлар.

4 Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.:Ўзбекистон, 2015, 47 бет.

иқтисодий кўрсаткичлари ва аҳолининг турмуш тарзи, ресурслардан оқилона фойдаланиш даражаси шунчалик юқори бўлади.

XXI аср – инновациялар асри. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иқтисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва башоратлар “Иқтисодиёт” фанининг муҳим таркибий қисми сифатида – корхона (фирма)лар фаолиятида таваккалчилик (риск) даражасини камайтиришга, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга ҳамда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг мақбул йўллари танлашга имконият туғдиради.

Тежамкорлик ҳозирги замон талаби. Шунинг учун ҳам тежамкорлик ва самарадорлик тамойилининг моҳияти – моддий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чиқариш захираларидан тўлиқ фойдаланишда ифодаланади. Корхоналарда бу тамойилнинг амал қилиши – корхона раҳбари ва барча ходимлар (биринчи ўринда хом ашё ва материаллардан тайёр масулот яратувчи ишчилар)нинг меҳнат қондасига риоя этишига боғлиқ. “Самарадорлик – жамиятнинг барча аъзолари томонидан олинадиган сифатли ресурслар тақсимотини умумий харажатларни максималлаштиришга йўналтирилганлиги”.

Фойдали қазилмаларнинг табиатдаги миқдори, фойдаланишдаги мақсадига кўра маъданли ва номаъдан фойдали қазилмаларга бўлинади. Суюқ ва газсимон фойдали қазилмалар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Конларнинг геологик ўрганилиш даражаси, геологик тузилмалари, фойдали қазилмалари таркиби ва хоссаларини ўрганиш даражаси, тоғ ишлари миқдори ва характери ҳамда ишлаб чиқариш технологиясига қараб, кон захиралари 4 тоифага бўлинади. Булар: А, В, СL, С2. А тоифага фойдали қазилмаларнинг турлари ва технологик хоссалари ўрганилган захиралари киради. Фойдали қазилмаларнинг В тоифадаги захиралари руда жисмларининг ётиши ҳоллари, табиий турлари ва саноат навлари аниқланиб

ҳисобланади. Бундай захиралар қидириб топилган ва чегараланган бўлади. С1 категорияга киритилган фойдали қазилмалар захиралари конларнинг алоҳида участкаларидан олинган технологик намуналарни ўрганиш асосида аниқланади, аммо рудаларнинг хиллари, сифати ва технологик характеристикаси аниқланмаган бўлади.

Захиралар геологик, саноат аҳамиятига молик ва эксплуатация турларига бўлинади. Минерал ресурсларга бўлган талаб вақтга қараб ўзгариб туради ва у жамиятнинг ривожланиш даражасига, ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, шунингдек техника тараққиётига ва иқтисодий имкониятига боғлиқ бўлади. Табиий минерал моддалар уларга бўлган эҳтиёж ва амалда улардан фойдаланиш усуллари пайдо бўлгандагина минерал ресурсларга айланади. Техника билан қуролланганлик даражаси қанча юқори бўлса, фойдали қазилмалар ассортиментини шунчалик кўп бўлади ва минерал хомашёнинг кўплаб янги турлари саноат ишлаб чиқаришга жалб этилади. Масалан, саноат аҳамиятига эга бўлган тошкўмирдан фақат XVII аср охиридан, нефтдан XIX аср ўрталаридан, алюминий, магний, хром ва нодир элементлар маъданларидан ва калийли тузлардан XIX аср охири ва XX аср бошларидан, уранли маъданлардан эса XX аср ўрталаридан бошлаб фойдали қазилма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

2. Ресурслар миллий иқтисодиётдаги ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни жойлаштириш ўзига хос хусусиятга эга. Бу борада тадбиркор албатта фойдали, қўшимча даромадни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудларнинг ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун энг авало жой, яъни ер, майдон керак. Бироқ, бунинг учун ҳар қандай жой ҳам тўғри келавермайди. Қолаверса, ҳудуд ҳам ҳар қандай корхона ёки экинларни «истамайди» ва аксинча, хўжаликнинг барча тармоқлари ҳам тўғри келган жойга жойлаштирилмайди. Агар ишлаб чиқириш ер, майдоннинг имконияти ва шароитидан қатъий назар, жойлаштирилса, у ҳолда географик номувофиқлик вужудга келади, табиатнинг хусусияти инкор этилади, «соч тескарисига таралади». Айни вақтда хўжалик тармоқларини тўғридан-тўғри, исталган жойда ташкил этилса, у кўзда тутилган иқтисодий манфаатларга олиб келмаслиги, экологик муаммоларга, ортиқча транспорт харажатларига сабаб бўлиши аниқ. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда ҳам ҳудуд, ҳам тармоқ хусусиятлари инобатга олиниши зарур.

Табиатда, гўё ер майдонининг муайян жойлари айнан қандайдир хўжалик тармоғини жойлаштириш учун яратилгандек. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир жойнинг ўзига хос ва ўзига мос функцияси мавжуд. Демак, ернинг ўзига хос қиймати бор ва бу қиймат турли шароитда турлича. Мазкур масала билан ер кадастри шуғулланади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг иқтисодий, демографик, экологик сиғимлари бир хил эмас. Одатда, аҳоли зичлиги, яъни 1 км.га неча киши тўғри келиши ҳудуддан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ҳам ҳисоблаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида бу масала осон ечилади, яъни бир гектар ер қанча маҳсулот бериши аниқ, аммо хўжаликнинг бошқа тармоқларида ер «ҳосилдорлиги» ёки хизмати кам эътиборга олинади. Ваҳоланки, ҳар бир гектар майдоннинг қанча ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромад яратишини ҳам аниқлаш эътиборлидир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ер табиий бойлик, ресурсдир. Лекин кўпинча ерга биз оддий шароит сифатида қарашга одатланганмиз, ҳам мисоли қутичадек (унга тўғри келган нарсани солаверамиз). Ишлаб чиқариш

тармоқларини ҳудудий ташкил этишга турли омиллар таъсир қилади. Модомики, таъсир этувчи омиллар кўп экан, гап уларнинг таъсир даражаси тўғрисида бориши керак. Шу нуқтаи назардан муайян тармоқ ёки корхона учун бир ёки икки омил ҳал қилувчи аҳамиятга эга, қолганлари эса иккинчи, учинчи ва ҳоказо даражали ҳисобланади, асосий мақсад шу асосий омилни аниқлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Умуман айтганда, ҳар бир корхона ёки қишлоқ хўжалиги экини учун маълум миқдорда хомашё, ер, сув, ҳарорат, ишчи кучи, техника воситалари, электр энергияси, транспорт ва бошқалар керак. Бу омилларни шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар. Табиий ўғитлар энг аввало ер ва унинг устки тузилиши, қазилма бойликлар, иқлим, сув, ҳарорат, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради. Бу хусусда табиий географик билимлар зарур бўлади.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, ҳар бир тармоқда ишлаб чиқариш корхоналарининг ўсиши билан бирга қайта ишлашни ташкил этиш орқали ресурслар тежамкорлигига эришиши мумкин. Аммо, қайта ишлаб чиқариш орқали ишлаб чиқарилган товарларнинг нархларини бирламчи ҳамашёлардан тайёрланган товарлардан фарқли ҳамда истеъмолчилар учун ахборот белгиси билан сотиш зарурияти тўғилади. Бунда, миллий иқтисодиётдаги самарадорлик кўрсаткичини таъминлаш, ресурслар тежамкорлигига эришиш мумкин.

Барча ресурслар – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқа ресурсларнинг барчаси чекланган миқдордадир.

Инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаи табиатнинг ресурслари ва бойликларидир. Улар ... “Ер остида, устида, дарёлари, кўллари, денгиз ва океанлари, ҳайвонот дунёси бағридадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиниб келинаётгани, баъзан табиий ресурслар

аёвсиз, ваҳшийларча, қайта тикланмай тортиб олинаётгани натижасида камайиб бормоқда, ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

... бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаётимиз хавф остидадир”⁵.

Жаҳон ҳамжамиятининг бугунги ишлаб чиқариш даражасини ҳисобга олган ҳолда қилинган башоратларга кўра инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлади. Бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, кўрғошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Қолайверса, бугунги кунда ишлаб чиқаришда кўрғошин, қалайи, рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келинмоқда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқаришни энергоресурслар: нефт, газ, кўмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алоҳида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмасб.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб боровчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

XXI аср – инновациялар асри. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иқтисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва башоратлар “Иқтисодиёт” фанининг муҳим таркибий қисми сифатида – корхона (фирма)лар фаолиятида таваккалчилик (риск) даражасини камайтиришга, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга ҳамда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг мақбул йўллارни танлашга имконият туғдиради.

5 Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ. Иқтисодий билим асослар: Ўқитувчилар учун қўлланма./ (Масъул муҳаррир: А.Сотволдиев). –Т.: Ўқитувчи, 1997, 89 бет.

6 Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998. 61-6.

3. Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий – иқтисодий аҳамияти

Табиий ресурслардан фойдаланиш “ табиат - жамият ” тизимини ўзаро боғлаб турадигин асосий бўғин ҳисобланади. Бу жараёнда табиат ва инсон, экология ва иқтисодиёт мураккаб, кўп омилли алоқада бўлади ва ўзаро боғлиқ яхлит тизимга бирлашади. Ресурслардан фойдаланиш уларнинг захиралари камайиши ёки тугашига олиб келади, бу жараёнда кўплаб чиқиндилар пайдо бўлади, улар кўп миқдорда тўпланади. Инсониятнинг ресурслардан оладиган, ўз эҳтиёжлари учун сарфлайдиган барча маҳсулотлари, бўлимлари (озик–овқат, кийим–кечак, мебел, машиналар, материаллар) эрта ёки кеч чиқиндиларга айланади.

Барча чиқинди турларини ҳисобга олганда ижтимоий фойдали маҳсулот ишлатилган табиий моддалар ва энергиянинг атиги 2% ни ташкил этади, қолган 98 % ни эса чиқиндилар ташкил этади. Шу сабабли табиат муҳофазаси тадбирлари орасида хомашё ва материалларни тўла ҳар томонлама тўлиқ қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Чиқиндилар миқдорини камайтиришга имкон берувчи технологияларни кенг қўллаш ва чиқиндиларни энг кўп даражада қайта ишлаш чиқитга чиқаришни максимал камайтиришни амалга ошириш уларнинг атроф табиий муҳитга зарарли таъсирини олдини олишга хизмат қилади.

Чиқиндилар билан боғлиқ бўлган ҳозирги муаммолар ечимини топиш долзарб масала ҳисобланади. Чиқиндилар бир томондан, табиий ресурслардан тўлиқ фойданилмаётганлигини кўрсатса, (уларни чиқитга чиқармаслик мамлакат хомашё базасини кенгайтиришга, таннархни пасайишига, ресурсларни тежашга имкон беради), бошқа томондан, улар тупроқ, сув ҳавони ифлослантирувчи хавфли манба бўлиб, катта ер майдонларини бекорга банд қилади.

Чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолаётганлиги, миқдорининг эса тез суръатларда кўпайиб бориши бу муаммонинг кескин қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш тушунчаси экология ва табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти тушунчалари туташган чегараларда шаклланаётганлигига боғлиқ ҳолда унинг тушунчалари таркиби ва янги тизими аппарати ривожланиб бормоқда.

Чиқиндилар кенг маънода инсониятнинг хўжалаик фаолияти, энергия олиш, одамнинг ҳаёти ва фаолияти жараёнида ҳосил бўладиган, атроф–муҳитга чиқарадиган хилма–хил қолдиқлар, ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган маҳсулотлар ва буюмлар ташландиқлари мажмуасини ўз ичига олади. Уларга маиший – рўзғор чиқиндилари, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурулиш ва бошқа тармоқларнинг атмосфера, гидросфера ва литосферага тушадиган чиқиндилари, ташланадиган газ чиқиндилари, нефт ва нефт маҳсулотлари оқавалари, оғир металллар ва захарли моддалар, атом электростанциялари чиқиндилари ва бошқалар қиради. Чиқиндиларни камайтириш ва йўқотиш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кенг қамровли муаммога айланган.

Чиқиндилар ва иккиламчи ресурслар тушунчалари амалиётда деярли бир хил маънода қўлланилади. Иккиламчи ресурслар моддий ва энергетика ресурсларига бўлинади. Иккиламчи моддий ресурсларга халқ хўжалигида шакилланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари қиради. Энергетика иккиламчи ресурслари ўзига хос бўлиб, улар ҳавога чиқарилган иссиқлик энергияси ресурслари ҳисобланиди. Уларни чиқитга чиқармасдан, халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб иккиламчи ресурслар чиқиндилар асосида олинадиган ва бевосита ёки билвосита халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ресурслар маъносини билдиради.

Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш масаласи бўйича кўпгина махсус адабиётларда ва услубий қўлланмаларда “ чиқинди ”, “ ташландиқ ”, “ йўлдош маҳсулотлар ”, “ ташлама ” ва бошқа атамаларни учратиш мумкин. Бу турдаги ресурсларга бир қатор авторлар томонидан киритилган аниқликлар ҳар бири ҳақида алоҳида аниқ тасаввур бермайди. Шу сабабли иккиламчи ресурсларни тизимга солишда қийинчиликлар юзага келади.

1985 йил ГОСТ 25916-83 “Иккиламчи материал ресурс. Атамалар ва аниқликлар.” қабул қилингунга қадар мамлакатнинг иқтисодий ва техникавий адабиётларида иккиламчи ресурслардан фойдаланиш бўйича умумий қабул қилинган атамалар мавжуд эмас эди. Шу сабабли тушунчаларда ноаниқлик юзага келишига, расмий ҳужжатларда хатоликларга йўл қўйилишига ва шу масалада иш юритувчи алоҳида илмий ходимларнинг фаолиятида ҳам ана шу муаммо мавжуд бўлган.

Бир қанча мутахассислар “иккиламчи хомашё” тушунчасини аниқлашда икки хил нуқтаи назар мавжудлигини тадқиқотлар натижасида аниқлашди.

Биринчи нуқтаи назар иккиламчи хомашёнинг истеъмол чиқиндиси тушунчасини ўз ичига олади, ишлаб чиқариш чиқиндисини эса алоҳида гуруҳга ажратилган. У қайта ишлаш учун қўшимча ресурс ҳисобланган.

Иккинчи нуқтаи назардан келиб чиқиб қуйидаги иккиламчи хомашё шаклини келтирамиз: иккиламчи хомашё - бу ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиси ҳисобланиб, уни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот олиш мумкин.

Кейинчалик иккинчи аниқлик амалиётда иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг ривожланиши асос қилиб олинган.

И.Т.Эрматов чиқинди, қўшимча маҳсулот ва иккиламчи материал ресурсларни бир хил тушунча деб ҳисобламай, балки уларни қуйидаги тартибда келтиришни таклиф этади:

1. иккиламчи материал ресурслар;
2. қўшимча маҳсулот;
3. фойдаланилган чиқиндилар;
4. чиқиндилар;
5. ташландиқлар.

Унинг фикри билан биз ҳисоблаша олмаймиз. Чунки, барча ишлаб чиқариш чиқиндилари, истеъмол чиқиндилари, қўшимча ва йўлдош маҳсулотлар иккиламчи материал ресурслар таркибига киради. Бу аниқликни

бизнинг иқтисодий ва техникавий адабиётларда тасдиқлангунга қадар, шунингдек доимий амалиётда иккиламчи хомашё ва иккиламчи материал ресурсларнинг турли тушунчаларидан фойдаланилган, бу ҳолат алоҳида кўрсаткичларни таққослаб бўлмайдиган, яъни улардан фойдаланиш ҳажми ва даражасининг номувофиқлиги аста-секин бартараф қилинмоқда.

4. Иккиламчи ресурсларни классификацияси, улардан фойдаланиш ва халқ ҳўжалигидаги аҳамияти

Чиқиндиларнинг ҳажми ва ҳилма – ҳилиги ишлаб чиқаришнинг ҳилма – ҳилиги ва миқёслари, янги материалларни қўлаш билан белгиланади. Улар газсимон, суюқ ва қаттиқ кўринишда бўлиб, атмосфера, сув, тупроқ ва умуман табиий муҳитни ифлослантиради.

Турли чиқиндиларнинг миқдори, таркиби, хусусиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва уларни экологик – иқтисодий таҳлил этиш учун чиқиндилар туркумланишини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Чиқиндилар тўпланиши характери кўп жиҳатдан корхоналарда чиқиндиларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш самарасини белгилаб беради. Туркумлашларни тузишга турлича ёндашувлар мавжуд. Таҳлил қилинадиган белгиларга кўра чиқиндиларни кўп турларга бўлиш мумкин. Масалан, агрегат (чиқиндилар мажмуи) ҳолатига кўра чиқиндилар қаттиқ, суюқ, газсимон, пастасимон турларга бўлинади. Атроф – муҳит ҳолати таъсирига кўра чиқиндиларни ўта захарли, ёнғин хавфи бор, портлаш хавфи бор, захарсиз турларга бўлиш мумкин. Турли вазирлик ва ташкилотларнинг чиқиндилардаги ҳиссасини таҳлил қилиш мақсадларига чиқиндиларни ҳосил бўлиш манбаларига кўра туркумлаш мумкин.

Турли туркумланишларда хусусий мисол тариқасида чиқиндиларни йиғиш ва йўқотиш бўйича гуруҳланишини келтирамиз:

- саноат чиқиндилари (чиқиндиларда йиғилади);

- корхоналарнинг махсус чиқиндилари (махсус ишлов ва фавқулотда эҳтиёткорликни талаб қиладиган чиқиндилар – захарли ва бошқа ноқулай хусусиятларга эга);

- корхоналар ишлаб чиқариш майдонларни тозалаш чиқиндилари (карьерлар, шахталар, конлар ва корхоналар чиқиндилари);

- радиоактив чиқиндилар (радиоактив моддалар мавжуд бўлган чиқиндилар) ва бошқалар.

Маҳаллий хомашёларнинг айрим турлари чиқиндилар ҳисобланади.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлишидан тортиб то уларнинг қайта ишлаш, атроф – муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, улардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишгача бўлган жараёнлар бир – бирлари билан ва бошқа қатор омиллар билан узлуксиз боғланган. Улар мураккаб, кўп омилли ва ўзаро боғлиқ яхлит тизимни ташкил этади.

Сабаб – оқибат алоқалари занжирини намоён бўлиши нуқтаи назаридан чиқинди билан боғлиқ муаммолар йўналишларини (аспектларни) қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: ресурс, геоэкология, ижтимоий – иқтисодий.

Ресурс йўналиши (аспекти) ресурс захираларининг, камайтириши, тугаши, уларнинг кўпчилигини фойдаланилгандан кейин тикланмаслиги ва бошқалар билан узвий боғлиқдир. Инсон хўжалик фаолиятида ресурсларнинг ҳосил бўлиши бир томондан, табиий ресурслардан етарли даражада мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётганлигини, бошқа томондан эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, атроф – муҳитга зарарли таъсирнинг кучайишини кўрсатади. Уларнинг асосий сабаби ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Геоэкологик йўналиш ресурс йўналиши билан жуда яқин боғланган, лекин ундан чиқиндилар муамосини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан фарқ қилади. Бунда чиқиндиларнинг табиат мажмуалари, қисмлари вазифаси, геокимёвий цикллари тузилмаси, геосферанинг термодинамик параметрлари ўзгаришларига олиб келиши ва унинг оқибатлари ўрганилади. Биринчи навбатда, асосий эътибор чиқиндиларнинг иқлим ўзгаришига олиб келиши,

азон қатламининг емирилиши, биохилма–хиллик, географик тизимлар барқарорлигининг камайишига таъсир ва бошқаларнинг атроф–муҳитга зарарли таъсири олдини олишнинг асосий йўналишлари илмий асослаб берилади. Бу жараёнлар инсон хўжалик фаолиятининг фаоллашуви оқибатида содир бўлади, лекин уларни ресурслардан бевосита фойдаланиши натижаси деб ҳисоблаш масаласига бир томонлама ёндошиш бўлиши мумкин. Масалан, озон қатламининг емирилиши саноатда озондан фойдаланиш оқибати бўлмай, балки атмосферанинг чиқиндилар билан ифлосланишига боғлиқдир. Иқлимнинг ўзгариши, биосфера барқарорлигининг пасайиши инсоннинг ушбу йўналишдаги мақсадга йўналтирилган (ресурсдан фойдаланиш) ҳаракатлари натижасида бўлмай, балки унинг билвосита ресурс фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий йўналиш асосий эътиборни чиқиндиларга боғлиқ ҳолда ижтимоий-демографик, иқтисодий, технологик сабабларга ва уларнинг ресурслар камайиши ва атроф-муҳит ўзгаришларига олиб келадиган оқибатларига қаратади. Улар қаторига чекланган ресурс базаси шароитида аҳоли сонининг кўпайиши ва даражаси фарқлар, потенциал хавфли технологиянинг ривожланиши ва бошқа кўплаб муаммолар киради. Бунда ижтимоий- иқтисодий жараёнлар – ресурслар камайиши – чиқиндиларнинг кўпайиши – геоэкологик вазиятнинг ўзгариши (ёмонлашуви) занжирининг ўзаро боғлиқлиги ҳар томонлама ҳисобга олиниши лозим.

Табиий ва иқтисодий ресурсларнинг кўплаб ишлатилиши, ҳозирги тежамсиз технологиянинг қўлланилаётганлиги кўплаб саноат чиқиндилари, иккиламчи ресурсларнинг тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Бироқ, ресурслар чекланган шароитда бундай ресурсларнинг кўмиб ташланиши, йўқ қилиб юборилишига йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, улардан фойдаланишнинг технологияларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Иккиламчи ресурс (махсулот)лардан фоиз ҳисобида фойдаланиш: иккиламчи полимер материаллардан 21.3% гача, иккиламчи тўқимачилик материалларидан 63.2%, шина эритиб 100% гача, нефт махсулотларидан 80%

гача, шиша чиқиндиларидан 93%, ёғочдан 89% га қадар фойдаланиш мумкин.

Саноат чиқиндиларининг маълум қисми захарли бўлиб, улар одамга ва табиий муҳитга катта зарар етказди. Хўжалик аҳамиятига эга бўлган материалларнинг 52 хилидан 20га яқини захарли ҳисобланади. Табиатга антропоген манбалардан табиий манбаларга нисбатан қўрғошин 18.3 марта, кадмий 8.8 марта, рух 7.2 марта кўп чиқаралаётир, бунда ҳам ифлосланишнинг хажми, ҳам унинг тўпланиши миқдори тез ўсиб бормоқда. Саноат табиатда мавжуд бўлмаган ва табиатга катта зарарли таъсир кўрсатадиган 60 минг номдаги кимёвий моддаларни ишлаб чиқараётир. Чиқиндилар хажмининг кўпайиб бориши уларни зарарсизлантириш, кўмиб ташлаш, қайта ишлашга кўп маблағ ва катта ер майдонларини ажратишни тақозо этади.

Шу билан бир қаторда чиқиндиларнинг кўпчилик турлари, шу жумладан, қаттиқ маиший чиқиндилар, ўзининг сифати ва таркибига кўра қимматли техник хомашё ҳисобланади. Чиқиндиларда, масалан, макулатура (оғирлиги бўйича 40 % гача), озиқ – овқат чиқиндилари (24 – 40 %), тўқимачилик чиқиндилари (4 – 5 %), қора ва рангли металллар (2 – 5 %), ойна (4 %), ёғоч (3 %), полимер материаллар (1 – 2 %) бор. Бу чиқиндиларни қайта ишлаш ҳар йили кўп миқдорда иккиламчи ресурсларни (қора ва рангли металллар, органик ўғит компостлари ва бошқалар) ишлаб чиқаришга имкон беради. Лекин бу муаммо ечимини топиш катта қийинчиликларни бартараф этишни, биринчи навбатда қаттиқ чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш, чиқитга чиқариш полигонлари, корхоналарини лойихалаштириш, қуриш, ишга тушириш учун катта инвестиция талаб қилади.

Иқтисодиёт амалиётида ресурс цикллариининг ривожланиш қонуниятлари иккиламчи ресурслардан фойдаланиш тамойиллари орқали амалга оширилади. Уларга қуйидаги тамойиллар киради:

1. Чиқиндилардан фойдаланишнинг илмийлик тамойили, объектив қонуниятларни билиб олишга, энг янги илмий ва техника ютуқларига асосланишни кўзда тутди.

2. Тизимли ёндашув тамойили чиқиндиларга уларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаб олиб кетиш, сақлаш, ташиш, кўмиб ташлаш, қайта ишлаш, чиқитга чиқариш ва реализация қилиш бўйича экологик – иқтисодий фаолиятни уларнинг табиий муҳитга таъсири, табиатнинг жавоб реакцияси нуқтаи назаридан ҳар томонлама баҳолашни кўзда тутди. Тизимли ёндошувга кўра кўрсатилган тадбирлар бир - биридан ажратилган ҳолда кўрилмаслиги, шу асосда ресурслардан ҳар томонлама фойдаланишга эришиш лозим.

3. “ Ресурс – чиқинди - ресурс ” циклидан оптимал фойдаланиш тамойили иккиламчи ресурслардан фойдаланиш бўйича бир вақтнинг ўзида экологик ва иқтисодий ёндашувларга асосланиб энг мақбул қарор қабул қилиш ва уни амалга оширишни билдиради. Бу тамойилга асосан ресурслардан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси муаммоларини бир – бирига боғлиқ ҳолда оптимал йўналишда ҳал этиш талаб этилади.

4. Ишлаб чиқаришда чиқиндилар ҳосил бўлиши ва тўпланишининг камайиб боришини ҳисобга олиш зарурати тамойили дастлабки хомашёдан тўла ҳар томонлама фойдаланишнинг амалга оширилишини ҳисобга олишга асосланади. Бу тамойил мавжуд ресурслардан тежаш ва технологик жараёнларнинг такомиллаштириш асосида фойдаланишни тақозо этади.

5. Чиқиндилар ҳосил бўлиши жараёнида табиий муҳит ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларни гармонизациялаш (уйғунлаштириш) тамойили табиий – техник, геотехник ёки экологик – иқтисодий тизимларни барпо этиш ва уларни мақсадга мувофиқ эксплуатация қилишга асосланади. Уларнинг мажмуаси ишлаб чиқариш ва у билан ўзаро алоқада бўлган табиий муҳит қисми ёки табиат мажмуаси ўртасидаги муносабатларни, бир томондан юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш, бошқа томондан

эса табиий ресурсларни энг кўп асраш ва қайта тиклаш асосида уйғунлаштиришга асосланиши керак.

6. Иккиламчи ресурслардан хар томонлама фойдаланиш тамойили дастлабки хомашёдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уни чуқур қайта ишлашни талаб қилади. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари, корхоналарнинг шаклланиши ва ривожланиши чиқиндисиз ёки кам чиқитли ишлаб чиқаришга асосланиш керак. Бу тамойилни амалга ошириш “ чиқиндилар яратадиган хўжалик ”дан “ ёпиқ циклли хўжаликка ” ўтишни талаб қилади.

Республикада “Ўзбекистон металлургия комбинати ”хиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тўлиқ иккиламчи ресурс – темир – терсакда (металл лом) ишлайдиган корхоналар таркибига киради. 2001 йилда корхона 600 минг тоннага яқин иккиламчи металл хомашёсидан фойдаланган ва ундан қиймати 30 млрд. сўмлик металлургия махсулотларини ишлаб чиқарган. 1998 йилда корхона 357 минг тонна пўлат, 322 минг тонна прокат ишлаб чиқарган. Олмалиқдаги “Аммофос” ишлаб чиқариш бирашмаси фосфогипс қаттиқ чиқиндисини қайта ишлашни йўлга қўйган.

5. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг иқтисодий аҳамияти ва асосий йўналишлари

Чиқиндисиз ишлаб чиқариш тушунчаси хўжалик фаолияти учун (саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) шартли бўлиб, бу жараёнда табиат учун зарарли бўлган чиқиндилар ҳосил бўлмаслиги ва атроф – муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги керак. У“ ишлаб чиқариш– истеъмол ” ёпиқ тизимини барпо этиш мақсадини амалга оширишга қаратилган. Лекин мутлоқ чиқиндисиз ёпиқ тизимни яратиб бўлмайди. Амалда хар қандай ишлаб чиқариш турли шакл, миқдор ва даражада чиқиндилар бўлади.

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш – чиқиндилар муаммоси ечимини асосий йўналашидир. Уни ишлаб чиқариш, истеъмол, атроф – мухит ўртасидаги ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан қуйдагича кўрсатиш мумкин:

1. Тикланадиган табиий ресурслар.
2. Тикланмайдиган табиий ресурслар.
3. Истеъмол буюмлари.
4. Фойдаланиладиган чиқиндилар.
5. Фойдаланилмайдиган чиқиндилар.

Корхоналар даражасида чиқиндиларнинг миқдор кўрсаткичлари улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар умумий миқдорининг (хажмининг) олинаётган материалларга (хомашёга) нисбати орқали аниқланади. Чиқиндилар миқдори қанча кам бўлса, ушбу нисбат шунча юқори бўлади, атроф – мухит шунча кам ифлосланади.

Табиий ресурслардан тўғри фойдаланиш ва атроф – мухитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналиши кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни ишлаб чиқариш ва ундан унумли фойдаланиш ҳисобланади.

Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологик жараёнлар йўналишини бузмасдан ишлаши керак.

Кам чиқиндили ва ресурсларни тежовчи технологияларни ташкил этишнинг асосий йўналишларига қуйдагилар киради:

- барча ишлаб чиқариш жараёнлари энг кам технологик босқичларда амалга оширилиши керак, чунки уларнинг ҳар бирида чиқиндилар ҳосил бўлади ва хомашё исроф бўлади;

- технология жараёнлар узлуксиз бўлиши керак. Бу эса хомашё ва энергиядан энг самарали фойдаланишга имкон беради;

- ҳар бир технологик жихозни қуввати оптимал бўлиши керак. Бу энг кўп фойдали ҳаракат ва энг кам исрофгарчилик коэффицентига мос келади;

- янги технологик жихозларни ишлаб чиқишда компьютер техникасига асосланган ва зарарли моддаларни энг кам чиқарадиган оптимал технологик

жараёнларни таъминлайдиган автоматик тизимлардан кенг фойдаланишни назарда тутиши керак;

- турли технологик жараёнларда ажралиб чиқадиган иссиқликдан оқилона фойдаланиш ва шу асосда энергия ресурслари ва хомашёни тежаш ва атроф – мухитга иссиқлик орқали зарарли таъсирни камайтириш.

Ушбу тафсияларга асосланиб, табиатга зарар етказадиган саноат тармоқлари учун кам чиқиндиларни технологияни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш мумкин. Масалан, энергетик қаттиқ ёқилғи ёқишнинг янги усуллари (масалан, қайнаб турган қатламда), шунингдек, зарарли моддаларни кам чиқарадиган жихозлардан (масалан, шундай горелкаларни) кенг фойдаланиш лозим. Булар ҳавога чиқарилаётган газлардаги зарарли моддаларни камайтиришга имкон беради. Шунингдек, бу тадбирларга яна қуйдагилар киради: ушбу газларни чанг, олтингугурт ва азот оксидларидан тозалашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш; ҳосил бўлган кул ва шлаклардан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва бошқалар.

Маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланган иккимланчи ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги давлат стратегиясини белгилашда уларнинг иқтисодий баҳолаш муҳим аҳамиятига эга бўлган йўналишлар қаторига киради. Инсон ўзининг хилма – хил эҳтиёжларини таъминлаш жараёнида ҳосил бўладиган турли чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантирилмаса ва ресурс сифатида қайта ишланмаса, табиий мухитга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши ва оғир экологик иқтисодий вазият пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарсизлантиришнинг катта экологик – иқтисодий самара еришини амалда исботлади. Кўпчилик мамлакатларда биотермик аэроб компостирлаш технологияси бўйича чиқиндиларни қайта ишловчи заводлар ишлаб турибди. Уларда чиқиндилар зарарсизлантиради ва қимматли органик ўғитга (компост) ёки иссиқхоналар учун ёқилғига айлантирилади. Бундан ташқари,

чиқиндилардан саноатда иккиламчи ресурс сифатида фойданиладиган компонентлар ажратиб олинади. Бу заводлар технологик ва конструктив схемаларнинг хилма – хиллиги билан бир қаторда чиқиндиларни зарарсизлантириш циклини уч асосий операция орқали амалга оширадиган жихозларга эга. Булар чиқиндиларни қабул қилиш ва дастлабки тайёрлаш учун жихозлар, биотермик аэроб компостирлаш учун жихозлар, компостирларга тўла ишлов берадиган ва омборга жойлаштириш жихозларидан иборадир. Бундан ташқари мажмуавий заводларда чиқиндиларнинг дастлабки ва тамомила қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган компостирланмайдиган фракцияларини ёқиш ёки пиролиз (юқор хароратда термик ишлов бериш) қилиш ҳам назарда тутилган.

Хулоса ва таклифлар

Ресурслар мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Ресурслар эвазига корхоналарда моддий неъматлар яратилади. Инсониятнинг фаровон яшабини таъминлаш мақсадида унинг иқтимоий эҳтиёжларини кондириб турувчи неъматларни яратиш учун сарфланадиган ресурслардан самарали фойдаланиш зарур.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш учун уларни замонавий инновацион технологиялар орқали ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатишни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишда фан-техника тараққиётидан кенг фойдаланиш замон талабидир.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги бозор талаби ва иқтисодчи олимларнинг кўп йиллик таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилиши шарт бўлган энг муҳим мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Чунки, ҳар бир моддий неъмат яратувчи корхона учун маълум турдаги ресурсларни талаб этади. Ҳозирги кунда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани бошқа асрларда истеъмол қилинган ресурслардан кўра кўп қисмни ташкил этган.

Шундан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- ресурслардан самарали фойдаланиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи шахслар ресурсларни қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- иккиламчи ресурсларни замонавий техника воситалари орқали ишлов бериш билан, уларни сифат нуқтаи назардан яхшилаш;
- фан-техника тараққиётидан кенг фойдаланиш;
- сув, ер, электр-энергия, газ ва бошқа шунга ўхшаш ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун иқтисодий ривожланган давлатлар билан тажриба алмашиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексеев Л. М. Материальные ресурсы - рациональное использование и экономия. М.: Экономика, 1995
2. Байбулатова. Вторичное сырье — эффективный резерв материальных ресурсов, 1989.
3. Забродина В.В. Финансовые методы контроля за соблюдением режима экономики. М.: Финансы, 1977.
4. Ўзбекистон Иқтисодий ахбороти. 1999. №1-12
5. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.
6. <https://stat.uz/uz/>
7. <http://www.lex.uz/>
8. <http://ziyonet.uz/>
9. <https://stat.uz/>
10. <http://www.iqtisodiyot.uz/>